МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 9 октябрь. Чоршанба №84 (946) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 15 октябрь сешанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2013 йил 15 октябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 8 октябрь

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 октябрь куни Оқсаройда Словакия Республикаси, Фаластин Давлати, Исроил Давлати, Бангладеш Халқ Республикаси, Франция Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Павол Иван, Муҳаммад Абдулла Таршаҳаний, Кармела Шамир, Масуд Маннан ва Жак-Анри Ольсдан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.**

Давлатимиз раҳбари элчиларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон улар вакили бўлган мамлакатлар билан икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият беришини таъкидлади ва дипломатларга мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ишида муваффақиятлар тилади.

Словакия элчиси Павол Иван билан суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Словакия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 20 йил давомида икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланаётгани, турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик бўйича бой тажриба тўплангани ва бу узоқ муддатли, ўзаро манфаатли муносабатларда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Словакия элчиси мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги анъанавий дўстона алоқаларни кенгайтиришни Ўзбекистондаги ўз миссиясининг асосий вазифаси, деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Фаластин халқлари ўртасида асрлар давомида шаклланган кенг кўламли савдо, маданий-гуманитар алоқалар бугунги кунда янги шакл ва мазмун касб этмоқда.

Фаластин элчихонаси раҳбари нафақат минтақада, балки бутун дунёда юксак обрў-эътиборга эга, инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар етишиб чиққан Ўзбекистонда элчи сифатида фаолият юритишни ўзи учун юксак шараф, деб билишини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги муносабатлар амалий ҳамкорликни ривожлантириш, аввало, мавжуд савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка оид юксак салоҳиятни тўла рўёбга чиқариш, Исроилнинг илғор технологиялари асосида қишлоқ хўжалиги, сувни тежаш ва энергетика соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган. Кармела Шамир Ўзбекистондаги миссиясини мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли барча соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш учун қулай имконият, деб билишини таъкидлади.

Ўзаро савдо алоқалари Ўзбекистон ва Бангладеш муносабатларида муҳим ўрин тутади ва икки томон ҳам савдо-сотиқни изчил ривожлантиришдан бирдай манфаатдордир. Икки томонлама ҳамкорликнинг мавжуд механизмлари иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини биргаликда белгилаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасидаги изчил маданий-гуманитар ҳамкорлик серқирра алоқаларнинг муҳим йўналиши экани таъкидланди.

Элчи Масуд Маннан мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун бор имкониятни ва дипломатик тажрибасини ишга солишини қайд этди. Унинг фикрича, бунинг учун кўплаб имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Францияни ўзининг муҳим ташқи сиёсий ҳамкорларидан бири деб билади. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланмоқда.

Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро англашув, бир-бирининг манфаатларини инобатга олишга асосланган амалий сиёсий мулоқот ўрнатилган, шартномавий-ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда, фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида алоқалар кенгаймоқда. Томонлар минтақавий хавфсизликни таъминлаш, замонавий хавф ва таҳдидларни биргаликда бартараф этиш масалаларида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Франциялик дипломат ўз мамлакати раҳбарияти Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлади.

ЎзА.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ОШКОРАЛИК, ТЕНГЛИК ВА МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА

**Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида муносиб ўринга эга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган тизим — маҳалла учун энг муносиб раҳбарларни сайлаш жуда долзарб аҳамият касб этаётир.**

Чунки фуқаролар йиғинларининг янада самарали фаолият юритиши айнан уларнинг раисларига, фаолларнинг ташаббускорлиги ва жонкуярлигига боғлиқ.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловларини адолат, ошкоралик, тенглик каби тамойиллар ҳамда қонунларда белгиланган талаблар асосида ташкил этиш ва ўтказиш ҳар бир фуқаро учун муайян масъулият юклайди. Негаки, сайловлар фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва мамлакат тақдирига ўз муносабатларини намоён этадиган сиёсий жараёндир.

Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўладиган сайловларда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади. Мазкур сиёсий жараённи қонунда белгиланган талаблар, демократик ва умумэътироф этилган тамойилларга мос тарзда ташкил этиш мақсадида пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Бу галги сайловларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар жорий йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади. Шу ўринда сайловчиларни янги қонуннинг мазмун-моҳияти, ундаги янги қоидалар ҳамда сайловларни демократик тамойиллар асосида ташкил этишга доир нормалар билан таништириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, қонунчиликда жорий этилган янги нормаларни билиш ва уларни амалда қўллаш шахс, жамият ва давлат учун бирдек фойдалидир.

> [2]

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН







Н.ХАЙДАРОВ олган суратлар.

# ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ

## ташаббускор ва шижоаткор ёшлар қўлида

**Халқимиз ҳунарни бежизга ризқ-рўз манбаига менгзамайди. Ҳунар эгаларига уста, дея илтифот кўрсатиб, ёш авлод тарбиясини ишониб топширилиши замирида ҳам олам-олам маъно бор.**

Ҳунар кишини турмуш ташвишларини енгишга, моддий барқарорликка, номақбул одатлардан тийилишга ундайди.

Ҳунармандчиликнинг фойдали жиҳатлари бисёр. Шу боис бугун мамлакатимизда соҳани асраб-авайлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, халқ ҳунармандчилиги анъаналарини сақлаш ва тарғиб этишда маҳаллаларнинг ўрни ва таъсири катта.

Туманимизда 86 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Уларнинг барчаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия фаолияти йўлга қўйилган. Бунинг натижасида халқ амалий санъатининг дурдоналари бўлмиш гилам тўқиш, тикувчилик, дурадгорлик сингари ҳунармандчилик турлари ёшлар орасида оммалашиб бораётир. Қўлигул ҳунармандларимиз ғайрати ва бой тажрибаси туфайли туманимизнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ўсиб бораётир.

Бугун маҳаллаларимизда юздан ортиқ ҳунарманд ўз ижод намуналари билан аҳоли эътиборини қозониб келмоқда.

> [3]

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ УЙЛАР — ЮРТНИНГ ЖАМОЛИ

**Инсон доимо қизиққан касби орқали элга хизмат қилиш, обод ва фаровон турмуш кечириш, қулай шарт-шароитларга эга кўркам уй-жойда яшашга интилади. Қарангки, ҳаётнинг айни шу мезони бугун мустақил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади.**

Юртимизда аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, айниқса, оилаларни уй-жой билан таъминлаш, қишлоқ жойларда яшовчилар учун замонавий, қулай шароитларга эга турар-жойлар барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасини бугун ҳар бир ҳудуд, ҳар бир маҳалла, ҳатто энг чекка қишлоқларнинг тобора кўркамлашаётган қиёфасида ҳам яққол кўриш мумкин. Айниқса, банклар томонидан ажратилаётган кредитлар боис, айни пайтда турар-жойлар қурилиши кўлами янада кенгайган.

Миллий матбуот марказида Марказий банк томонидан ташкиллаштирилган анжуман ипотека кредити, аҳолини уй-жой билан таъминлашда амалга оширилаётган ишлар ҳамда истиқболдаги вазифалар хусусида бўлди.

Тадбирда таъкидланганидек, бу йўналишдаги сиёсат қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани комплекс шакллантириш ва ривожлантиришни қамраб олгани боис ипотека кредитлаш ҳажми йил сайин ошмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимиз банкларининг ипотека кредитлари қолдиғи ҳажми 2 триллион 379 миллиард сўмни ташкил этиб, ажратилган салкам 777 миллиард сўм миқдоридаги банк кредитлари эвазига мижозлар янги уй-жой қуриш, харид қилиш ва қайта таъмирлаш имконига эга бўлдилар, — дейди Республика Марказий банкининг кредит маблағларини назорат ва таҳлил қилиш департаменти бошлиғи Ботир Зарифов. — Замонавий уй-жойлар борасида мамлакатимизда қўлланилаётган механизм ва тўпланган тажриба «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда жаҳоннинг кўплаб давлатларидан келган мутахассислар томонидан эътироф этилди.

> [2]



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

*Қўшработ туманида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Туманимизда 39 та маҳалла ҳамда 7 та қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Уларда Фонд туман бўлинмаси ташаббуси билан турли тадбир ва учрашувлар ўтказиляпти. Бу каби тарғиботларда аҳолининг кенг қатлами қамраб олиниб, кейинги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, ёшларга оид давлат сиёсати, тадбиркорлик ва истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асослари мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан атрофлича тушунтирилмоқда.*

*Обод турмуш йилида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш мақсадида ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ҳамда хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши билан ҳамкорликда 468 маротаба давра суҳбати, учрашув-мулоқот ҳамда профилактика тадбирлари уюштирилди.*

*Қолаверса, йиғинлар қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси бошчилигида аёллар ўртасида виждон эркинлиги, диний бағрикенглик масалалари бўйича турли маънавий-маърифий ишлар олиб борилмоқда.*

*Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётганларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ҳудудимизда 118 та тадбиркорлик субъекти мавжуд.*

*Тадбиркорлик соҳасида бу борада қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларни ҳаётга изчил жорий этиш, фуқароларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида улар иштирокида 16 маротаба учрашув ва суҳбатлар ташкил қилинди. Бу каби тарғиботларга ёшлар кенг жалб этилмоқда.*

*Туманимизда 87 та умумтаълим мактаби, 7 та касб-ҳунар коллежи мавжуд. Уларда 25264 нафар ўғил-қиз таҳсил олмоқда. Ушбу таълим муассасаларида ёшлар ўртасида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка йўл қўймаслик юзасидан аниқ режа асосида тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Бунда фуқаролар йиғинлари фаолларининг иштироки таъминланмоқда.*

*Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги қанчалик кучайса, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ҳам шунча ортади. Бўлинмамиз режасидан бундай тадбирлар кенг ўрин олган. Зотан, ҳуқуқий маданият тарғиботлари кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнининг жадаллашувига хизмат қилиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.*

Малик АБДИҲОШИМОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қўшработ тумани бўлинмаси бош мутахассиси.

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

*Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнидаги фаол фуқаролик позицияси ва фуқаролик жамияти тамойилларини, маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги илғор тажрибаларни янада кенгроқ ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари журналистлари ўртасида **«ИСТИҚЛОЛ — ҒУРУРИМ, МАҲАЛЛАМ — ФАХРИМ»** кўрик-танловини ўтказади.*

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ОШКОРАЛИК, ТЕНГЛИК ВА МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Янги таҳрирдаги қонунда тараққиёт талаблари ва маҳаллаларнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда, ўндан ортиқ янги қоида киритилган.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари мазмунан бойитилган ҳолда унга янги «муқобиллик» тамойили қўшилди. Бу қоида орқали ҳар бир раис ва унинг маслаҳатчиси лавозимига энг камида иккита номзод кўрсатилиши шартлиги белгиланди. Ушбу янги принципнинг жорий этилиши сайловларнинг муқобиллик асосида ўтишини таъминлайди. Яъни ҳар бир ўринга икки, уч ёки тўрт номзод орасидан энг муносибини танлаш имкониятини яратади.

Аввалги қонунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари, сайловларга тайёргарлик доирасида ўтказиладиган тадбирларни белгиловчи субъектлар аниқ кўрсатилмагани боис амалиётда турли муаммолар келиб чиқар эди.

Янги таҳрирдаги қонунда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида сайловларни ўтказиш муддатлари ва уларни белгилайдиган субъектлар аниқ кўрсатиб қўйилди. Хусусан, қонуннинг 10-моддасига: «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камида икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади», деган қоида киритилган.

Албатта, бу ваколатнинг Олий вакиллик органининг юқори палатаси ҳисобланган Сенатга топширилиши, биринчидан, сайлов жараёнларида юзага келадиган ҳудудий муаммоларни республика даражасига олиб чиқиш ва ҳал этиш имконини беради. Қолаверса, сайловларни юқори савияда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайди.

Қонунчиликка жорий этилган яна бир янгиликнинг мазмуни шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши қошида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиянинг ташкил этилиши белгиланди.

Комиссия томонидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ташкил этиш ҳамда ўтказиш, сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, сайловни самарали ўтказиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этиш каби вазифалар амалга оширилади.

Шунингдек, сайловга боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, уни ташкил этиш ҳамда ўтказишни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлаш, фуқароларнинг масалага дахлдор мурожаатларини кўриб чиқиш, сайлов якунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кенг жамоатчиликка етказиш ҳам комиссия зиммасига юклатилди.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам мазмунан янгиланди ва такомиллаштирилди. Хусусан, янги таҳрирдаги қонунга асосан, номзодларга «бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётганлик» талаби киритилди. Бу номзод маҳалланинг ютуқ ва камчиликларидан хабардорлиги, унда истиқомат қилаётган аҳолининг қувончу ташвишларидан бохабарлигини таъминлашда муҳим мезондир.

Шунингдек, номзодларга «давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши лозимлиги» талаби ҳам қўйилди. Чунки бирор-бир соҳада ишламаган ёки жамиятга нафи тегмаган инсон маҳаллага етакчилик қилиши мумкин эмас.

Маҳалла сайловларини демократик мезонлар асосида ўтишини таъминлашга хизмат қиладиган яна бир муҳим янгилик, бу ҳар бир фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзод учун ўз сайловолди дастури билан чиқишининг жорий этилишидир.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 21-моддасига асосан, «Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларни эълон қилади. Шундан сўнг фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ҳар бирига сўз беради. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг маърузаси алифбо тартибида ўтказилиб, номзодлар ўзининг келгуси фаолият дастурини эълон қилади».

Бу қоиданинг қонунчиликка киритилиши ва амалда қўлланилиши номзодларнинг ўз сайловчилари олдида чиқишларига шароит яратиб, зиммаларига юкланаётган вазифаларни бажариш, ўз салоҳиятини намоён этиш имконини беради ҳамда бу жараён сайловчиларга танлаш ва сайлашда муайян қулайликларни юзага келтиради.

Шунингдек, янги қонун асосида сайлов бюллетенларининг намуналари ва шакллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланиши кўрсатилган. Бу ҳам сайловларни адолатли ташкил этишда муҳимдир. Сайлов бюллетенларини бир хил шаклда ишлаб чиқилиши ва ҳудудларга қонунда белгиланган тартибда тарқатилиши уларни қалбакилаштиришнинг олдини олади.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла сайловларини адолатли, қонуний асосда ташкил этилиши ва ўтказилишидан барча фуқаролар бирдек манфаатдордир. Зеро, юртимиз тараққиёти, эртанги кунимизнинг фаровонлиги, турмушимизнинг ободлиги айнан мазкур сайловларнинг муваффақиятли ўтишига бевосита боғлиқ.

**Шуҳрат ЁҚУБОВ,**
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари, юридик фанлар номзоди, доцент.**

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИДА НАМУНАЛИ ФАОЛИЯТ


ЎзА сурати.

**Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Ўроқ Худойбердиев номли маҳалла фуқаролар йиғини «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичида «Ҳудудда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашда фаолиятини намунали йўлга қўйган йиғин» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.**

Бу мазкур маҳаллада аҳоли, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ ва эрта турмушнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган намунали ишларнинг амалий тасдиғидир.

Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Маҳалладаги 3 мингга яқин аҳолининг 635 нафарини вояга етмаганлар, 1475 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 450 га яқини фертиль ёшидаги аёллардир. Шу боис йиғин фаоллари ҳудуддаги қишлоқ врачлик пункти, тиббиёт бирлашмасининг тажрибали мутахассислари Санобар Маматқулова, Светлана Каримова, ҳамширалар Бахтигул Абдузоирова, Муҳаррам Тошевалар билан ҳамкорликда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлиғини тиклашга ёрдамлашиш мақсадида ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида тиббий кўриклар, даволаш курслари ташкил этишган. Бундан ташқари, йиғинда ҳомиладор аёллар учун фойдали озиқ-овқат маҳсулотлари, бепул дори-дармонлар ҳам тарқатиб келинмоқда.

Шунингдек, аҳоли ўртасида «Соғлом оила — соғлом жамият», «Ҳомиладор аёл нималарга эътибор бериши керак?», «Тиббий маданият нима?», «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг аҳамияти», «Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови», «Гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик — умр заволи» каби мавзуларда мунтазам равишда давра суҳбатлари, мутахассислар билан учрашувлар ташкил қилинаётир.

Тадбирларда намунали оила соҳиблари, фахрийлар ва нуронийлар ёшларга ўз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб, саломатликнинг қадрига етиш, ёш умрни хазон қилмаслик борасида панд-насиҳат ва тавсиялар беришаётир.

— Аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказаётган тадбирларимиз туфайли кейинги уч йил давомида ҳудудимизда болалар ва оналар ўлими кузатилмади, — дейди Ўроқ Худойбердиев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рисолат Худойбердиева. — Чунки маҳалламизда оналар ва болалар саломатлиги доимо диққат-марказимизда. Хусусан, жорий йилда касаллиги аниқланган 10 нафар аёлни стационар, 7 нафарини эса амбулатор шароитда даволашга эришдик.

Маҳалла фаоллари ҳудуддаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Футболимиз келажаги» каби спорт турнирларини ўтказиб келмоқда. Йиғин ташаббуси билан ҳар бир таълим масканида «Саломатлик бурчаги» ташкил қилингани ёшларнинг тиббий билимларини шакллантириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Шунингдек, фуқаролар йиғинидаги «Ота-оналар университети»нинг ибратли ташаббусини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар кўмаги билан соғломлаштириш курслари ташкил этилди. Унда фертиль ёшидаги 15 нафар аёлга малакали мутахассислар томонидан зарур маълумотлар берилди.

Саломатликни сақлашда спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис йиғин ҳудудидаги соғломлаштириш мажмуасида маҳалланинг 250 нафарга яқин ўғил-қизи спортнинг 10 тури бўйича шуғулланмоқда.

Ҳа, жисмонан чиниққан ёшларнинг турли мусобақаларда ғолибликка эришаётгани, тўрт мучаси соғ зурриётларнинг дунёга келаётгани фуқаролар йиғинларининг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида хайрли ишлари самарасидир

М. АЗИМОВ
«Mahalla»

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИДА СИФАТ БИРЛАМЧИ ОМИЛ

**Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳалласи фаоллари ҳудудда истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилмаслиги, аҳолининг сифатли маҳсулот ва хизмат турларидан фойдаланишини таъминлашга алоҳида масъулият билан ёндашадилар.**


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Маҳалланинг 3600 нафардан зиёд аҳолиси ва пойтахт меҳмонлари 3 та йирик озиқ-овқат, 6 та кичик савдо дўкони, бозор, ресторан, 6 та умумий овқатланиш шохобчаси, 2 та дорихона ҳамда бир нечта маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари хизматларидан фойдаланадилар. Ҳудудда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети биноси ва талабалар турар-жойи жойлашган. Ўз навбатида, мазкур олийгоҳнинг 770 нафар талабаси ҳам истеъмол бозорининг харидорлари ҳисобланишади. Маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада қандай ишлар амалга оширилаётганини билиш мақсадида йиғин идорасига ташриф буюрдик.

— Истеъмолчилар ҳуқуқларининг муносиб ҳимоя қилиниши ҳар бир давлатнинг демократик тамойилларга нечоғли содиқлигини белгилайди, — дейди йиғин раиси Набижон Пўлатов. — Шу боисдан маҳалламиздаги озиқ-овқат дўконларида савдо қилаётган тадбиркорларни йиғиб, тез-тез тушунтиришлар олиб борамиз. Суҳбат давомида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, нарх-навонинг асоссиз оширилишининг олдини олиш ҳамда савдоси чекланган маҳсулотларнинг ноқонуний сотилишига йўл қўймаслик ҳақида тарғибот юритамиз. Бу борада ўрнатилган жамоатчилик назорати ҳам истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялашга муносиб ҳисса қўшаётир.

Йиғин қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси томонидан ҳудудда ойда икки маротаба назорат тартибидаги рейдлар уюштирилиб, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талабларининг бажарилиши таъминланмоқда.

Тадбирлар давомида бу борадаги муаммолар аҳоли ўртасида сўровлар ташкил этиш орқали янада батафсилроқ ўрганилмоқда. Бу эса бозор ва дўконларда сифатли маҳсулотларнинг сотилиши, аҳоли ҳуқуқлари муносиб ҳимояланишида муҳим аҳамият касб этяпти.

«Конституция» маҳалласи тадбиркорлари ушбу номга муносиб бўлиш, ҳудудда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида белгиланган тартиб-қоида ва меъёрлар асосида фаолият юритишаётир. Улар дўкон пештахталарини нафақат чиройли кўринишли, балки сақлаш ва яроқлилик муддатларига тўла жавоб берадиган маҳсулот турлари билан бойитишяпти. Худудда ўрнатилган жамоатчилик назорати тадбиркорларнинг масъулият ва ҳушёрлик билан вазифаларини адо этишию, ўз навбатида, маҳаллада соғлом муҳит ҳукм суришида муҳим омил бўлмоқда.

Бундан ташқари, йиғин фаоллари томонидан аҳолининг коммунал хизматлардан оқилона фойдаланишини таъминлаш, тўловларни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан ҳам жамоат назорати фаолияти йўлга қўйилган.

Бугунги кунда истеъмолчиларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ваколатли давлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари қошида «Ишонч телефони» фаолияти йўлга қўйилган. Улар қўнғироқ ва шикоятларни қабул қилиб, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли барча турдаги масалаларни ҳал этишга кўмаклашаётир. «Конституция» фаолларининг кишиларга турли хизматлардан фойдаланиш жараёнида «Ишонч телефон»лари аҳамияти тўғрисида ҳам маълумотлар беришаётгани аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтираётир.

Зебинисо ҲАЙИТОВА
«Mahalla»

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ УЙЛАР — ЮРТНИНГ ЖАМОЛИ


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан аҳолига, айниқса, ёшларга муносиб турмуш шароитини яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда «Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ, тижорат банклари маблағлари эвазига ҳудудларда 105 та кўп қаватли турар-жой биноси қурилиши давом эттирилмоқда. 2013-2015 йилларда фойдаланишга топшириладиган ушбу хонадонлар ипотека кредитлари воситасида уч йиллик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда ёш оилаларга тақдим этилади.

Соғлом ва фаровон турмуш тарзини қарор топтириш, ижтимоий бандлик ҳамда ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда камол топишини таъминлашга хизмат қилаётган ипотека кредитларини ажратишнинг рағбатлантирувчи чоралари кўрилмоқда. Ипотека кредитидан фойдаланаётган ёш оилаларнинг даромадларига солиқ солинмайди.

Қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қуриш комплекс дастурининг амалга оширилиши минглаб оилаларни замонавий, қулай уй-жойлар билан таъминлаб, ҳудудлар инфратузилмасини модернизациялаш ҳамда тегишли тармоқ ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг янада ривожланишини таъминлаш имконини бермоқда. Қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш орқали оилалар турмуш фаровонлиги ошиб, кишиларнинг дунёқараши, кайфияти ҳамда мақсад-ўйлари ҳам юксалиб бораётгани қувонарлидир.

Мазкур дастур доирасида 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги уй-жой массиви барпо этилди. Умумий майдони 3,2 миллион квадрат метрли 23,6 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қурилди ва ушбу мақсадларга 1,2 миллиард доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди.

Обод турмуш йилида қишлоқлар ободончилиги йўлидаги ишларни янада кучайтириш, ҳудудларда уй-жойларни кенг кўламда қуриш ишлари қизғин давом эттирилмокда. Хусусан, 353 та қишлоқ массиви ҳудудида 1,4 миллион квадрат метрга тенг 10 мингта уй-жой қуриш кўзда тутилиб, бунинг учун банклар томонидан 1 триллион 385 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш мўлжалланган.

Жаҳон молиявий инқирози омилларини тадқиқ этган экспертлар дунёнинг аксарият барқарор йирик банкларида ипотека кредитлари ликвидлигининг ўта пастлиги, яъни кредит маблағларининг қайтарилиш кўрсаткичи жуда тушиб кетгани билан изоҳлашади. Юртимизда эса ҳар бир кишининг бекаму кўст яшаши учун ҳатто кредитлаш механизмида ҳам қатор ғамхўрликлар ва имтиёзлар ўрин олган.

Замонавий уй-жойларни ипотека кредити асосида харид қилиш учун яратилган қулайликлардан бири — янги барпо этилаётган уй-жойларнинг эгаларига банклар томонидан кредитнинг 15 йил муддатга йиллик 7 фоиз ставка бўйича ажратилаётганидир. Қолаверса, якка тартибда уй-жой қураётган қишлоқ аҳолиси кредитларни қайтариш ва уларнинг устама фоизларини қоплашга йўналтириладиган даромад солиқларини тўлашдан озод этилган. Яна бир имтиёз — улар сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека кредитини тўлиқ қайтаргунга қадар солиқ тўламайдилар.

Обод турмуш йили охирига қадар Ипотека банк томонидан молиялаштирилаётган кўп қаватли уйларнинг яна 5 таси ёки 238 та хонадон ўз эгаларига топширилади. Шунингдек, 2014-2015 йиллар режалари асосида яна 865 та хонадонли 30 та кўп қаватли уй қурилиши молиялаштирилади. Бир сўз билан айтганда, ипотека кредитлари аҳоли фаровонлиги, ёш авлоднинг бекаму кўст шароитларда камол топишига хизмат қилаётир.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ҲУНАРДАН УНАР

# ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ

## ташаббускор ва шижоаткор ёшлар қўлида



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Айниқса, «Файзобод», «Ватан», «Ойбек», «Олтинобод», «Кўкаламзор», «Гулбоғ», «Маданият» каби маҳаллаларда сандиқчилик, миллий либослар тикиш, пойабзал таъмирлаш, темирчилик, сартарошлик, эшик-ром ясаш каби йўналишлар изчил йўлга қўйилган.

Бежирим нафис тақинчоқлар, зеб-зийнатлар ясашда «Наврўз» маҳалласи заргарларининг олдига тушадигани йўқ, десам муболаға бўлмайди. Айни пайтда маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракати билан барча ҳунармандга 5-6 нафар ёшнинг бириктирилгани уларнинг келажакда етук ҳунар эгаси бўлишлари учун мустаҳкам замин ҳозирлаяпти.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллалардаги ҳунарманд-тадбиркорларга, асосан, кам таъминланган оила фарзандлари шогирдликка берилмоқда. Бу эса ҳудудимизда ижтимоий ҳимояга муҳтожларга муносиб рағбат бўлиб, ички имкониятлардан унумли фойдаланишга чорлаётир. Натижада маҳаллалардаги ночор оилалар сони тобора камайиб бормоқда.

Пойабзал таъмирлаш ишларига 28 нафар, сартарошликка 60, тикувчилик билан 55 нафар, бешикчиликка қизиққан 8 нафар, сандиқчиликда маҳорат тўплаётган 5 нафар, торт ва ширинликлар пиширишни ўзлаштираётган 6 нафар, этикдўзлик, дурадгорлик, косибчилик сир-асрорларини пухта ўрганаётган элликка яқин ёшнинг уста-ҳунармандларга бириктирилиши, яқин орада кўплаб тадбиркорлик субъектларининг пайдо бўлишига, ўз навбатида, туманимиз иқтисодий салоҳиятининг янада ортишига хизмат қилади. Ёшларнинг фойдали машғулотларга жалб этилгани, ўз навбатида, вояга етмаганлар ўртасида безорилик, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳам олдини олаётир.

«Намуна» маҳалласида ишнинг кўзини биладиган, ҳунари ортидан элда обрў-эътибор топаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Биргина дурадгор Ҳусанбой Усмоновнинг қаватида ўнга яқин ёш бор.

Бу борадаги ишларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан фуқаролар йиғинларига амалий-услубий кўмак бериб келинмоқда. Ҳунармандчилик ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида маҳаллалар қошида турли бичиш-тикиш, бисер тўқиш, каштачилик, зардўзлик каби тўгараклар фаолиятини йўлга қўйишга эътибор қаратяпмизки, пировардида, маҳалла болалари ўз уйларидан узоқлашмай, ота-оналари, маҳалла фаоллари кўз олдида ҳунар эгаллашмоқда.

Бугунги ислоҳотлар аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, ёшларнинг эртаси учун қайғуриш, уларни ишга жойлаштириш, баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилаётир. Қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши белгилаб қўйилган. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишга ҳақли. Шу маънода ана шундай марказларни тузиш бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Ёш авлод вакилларини касб-ҳунарга ўргатишда ҳамкорларимиз — «Ёшлар маркази», «Ҳунарманд» уюшмаси билан изчил алоқа ўрнатилгани айни муддао бўлмоқда. Айни пайтда ўзаро ҳамкорликда маҳаллаларда «Моҳир қўллар», «Сартарошлик», «Мебелсозлик», «Чеварчилик», «Темирчилик», «Новвойчилик» ҳамда «Ёш дурадгорлар» тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур тўгаракларда ёш авлод вакиллари ўз қизиқишлари бўйича ҳунар сирларини пухта ўзлаштириб, келажакда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўядилар. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилиши муқаррар.

**Эркин ЙЎЛЧИЕВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Янгийўл тумани бўлинмаси раиси.**

МАСЛАҲАТЧИ ИБРАТИ

# БИЗДА ИШСИЗ ЎТИРГАН ОДАМНИ ТОПОЛМАЙСИЗ

**— дейди Навоий вилояти Хатирчи туманидаги «Жалойир» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳрахон Аслонова.**

**Уч кундан буён машғулотларга келмаётган Маржонадан хавотирланиб, уларнинг уйига борган мураббий Раъно вазиятни билгач, ўйланиб қолди. Шундай иқтидорли ва тиришқоқ қизча отасининг кескин норозилиги туфайли энди гимнастика билан шуғуллана олмаслиги мумкин.**



Раъно минг тушунтирса ҳам бир иш чиқмади, қайсар ота ҳатто у билан гаплашишни хоҳламади. Умидсиз ортга қайтаётган мураббий йўлда учраб қолган маҳалла маслаҳатчиси Гулчеҳрахон опага бор гапни айтиб берди.

— Хафа бўлманг, ечимсиз муаммонинг ўзи йўқ. Шуҳратжон билан ўзим гаплашаман, — деди маслаҳатчи уни ишонтириб.

Аммо Шуҳратни кўндириш осон бўлмади. «Мен мактабга боргунича тўгаракка қатнашига рухсат бергандим, энди улғайди, гимнастикани йиғиштирса ҳам бўлади», деди ўжарлик билан у. Гулчеҳрахон опа ҳам анойи эмас, йўриғини топиб, отадан Маржонанинг 12 ёшга тўлгунга қадар гимнастика билан шуғулланиши учун рухсат олди. Қарангки, қизалоқ кўп ўтмай тенгдошлари ўртасида ўтказилган вилоят биринчилигида ғолиб бўлди...

Гулчеҳрахон Аслонованинг фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. «Эпласа — элакда сув», деганларидек, у одамлар билан тил топишишга уста. Шу туфайли тўққиз йилдирки, Хатирчи туманидаги «Жалойир» маҳалласи аҳли Гулчеҳрахон Аслонovани ўзининг ҳақиқий маслаҳатгўйи сифатида қадрлайди.

Гулчеҳрахон Аслонова маслаҳатчи сифатида иш бошлаган пайтда маҳаллада оила ажримлари, нотинч оилалар, ўзаро келишмаётган қўшнилар анча-мунча эди. У ишни ана шундай муаммоли хонадонлар ҳаётини ўрганишдан бошлади. Қайси бирида қайнона инжиқ, келин бесабр, қайсидадир эр ичкиликка берилган, бирида рўзғор сабаб жанжал чиқяпти. Табиатан хушфеъл, ширинсўз опа бу оилаларнинг ҳар бир аъзоси билан юзма-юз суҳбатлашди, ҳаққа ҳам, ноҳаққа ҳам, яхшига ҳам, ёмонга ҳам холис гап айтди. Шу зайл аразлаган келинлар уйга қайтди, қайноналар «болам», дея уларга пешвоз чиқди. Омадсизлигидан нолиб, аламини ичкиликдан олаётган эркакда ишонч пайдо бўлди, маҳалла ёрдами билан ишга жойлашди. Қўшниларнинг эса муносабати яхшиланди, хуллас, лойқаланган сувлар тинди, ҳамжиҳатлик қарор топиб, қут-баракага йўл очилди.

— Бизда ишсиз ўтирган одамни тополмайсиз, — дейди Гулчеҳрахон опа мамнун жилмайиб. — Қишлоғимиз баҳаво, еримиз унумдор, сувдан муаммо йўқ. Экин-тикинга ҳам, чорвага ҳам жуда боп жойлар. Шу боис Жалойирнинг помидори, сабзиси, картошкаси, шунингдек, сузмаси ва қурти, мевалари вилоят марказидаги бозорларда ҳам машҳур.

Ҳудудда паррандачилик ҳам яхши йўлга қўйилган. Маҳалладаги 500 дан зиёд хонадоннинг ҳар бирида 5-10 тадан товуқ боқилади. Ўтган йили фуқаролар йиғини томонидан 10 та хонадонга 50 тадан жўжа тарқатилганди. Ҳозир улар тухумга кирди.

Маҳалла — ҳаёт қайнаган гўша. Унда эзгу тилаклар, улуғвор мақсадлар йўлида ҳаракат қилинади. Гулчеҳрахон Аслонова ҳам доимо тўй-маъракаларни ихчамлаштириш, ҳудудни ободонлаштириш, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, барқарор маънавий муҳит йўлида доим изланади. Шу мақсадда маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув-мулоқотлар ташкил этади.

Маълумки, жорий йилнинг 24 июлида Президентимиз томонидан бир гуруҳ фидойи маҳалла фаоллари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги «Жалойир» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳрахон Аслонова ҳам бор. Бугун унинг кўксини «Меҳнат шуҳрати» ордени безаб турибди. Бу фидойи аёлнинг ҳалол меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

ТАБИАТ

# Фавқулодда вазиятда ҳушёрлик зарур

**Кундалик ҳаётимиз давомида кутилмаган воқеа-ҳодисалар, таҳликали ва ҳалокатли тасодифлар кўп учрайди. Айниқса, тошқин, сел, яшин, зилзила каби табиий офатлар сон-саноқсиз инсонларнинг ҳаётига хавф туғдириши мумкин.**



Ана шундай табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда аҳолининг тезкорлик билан ҳаракат қилиши, энг аввало, тушунтириш ва тайёргарлик ишларини кучайтиришни талаб этади.

Президентимизнинг 2012 йил 7 февралдаги сел тошқини ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори юртдошларимизнинг бехавотир яшашлари, турли ҳалокатли ҳодисалардан муносиб ҳимояланишлари учун муҳим дастуриламал бўлаётир. Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан эса, табиий офатлар рўй бериши мумкин бўлган ҳудудларда мунтазам равишда аҳолининг тайёргарлик даражасини ошириш, нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ўқув-тактик машғулотлари ўтказиб келинаётгани диёримизда инсон ва унинг ҳаёти нечоғли қадрлилиги, ҳар бир киши ғамхўрлик ва кучли муҳофаза остида эканининг яна бир исботидир. Бундай тадбирлар, асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигида ўтаётгани кенг аҳоли қатламини қамраб олиш, таъсирчан тарғибот юритишга замин ҳозирлаб, кутилган натижаларни туҳфа этмоқда.

Жиззах шаҳридаги бир нечта маҳалла тоғли ҳудудда жойлашган. Айниқса, «Бунёд» ҳамда «Сайхан» маҳаллаларида йилнинг муайян даврида кучли ёмғир ёғиб, сел келиш эҳтимоли ортади. Кучли жала туфайли бўладиган тошқинларнинг олдини олиш, бу борадаги ҳукумат қарор ва топшириқларини изчиллик билан бажариш мақсадида вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида йиғилишлар ўтказилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинмоқда.

— Шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ, «Бунёд» маҳалласидан ўтувчи Жилқайдар булоғи ирмоқларида қирғоқнинг қарийб 600 метрида мустаҳкамлаш ишлари олиб борилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Жиззах шаҳар бўлинмаси раиси Собиржон Орипов. — «Сайхан» маҳалласидаги Иторқа тоғ тизмасидан келувчи булоқлар йўлларида ҳам бундай ишлар уюшқоқлик билан бажарилди. «Сангзор» маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи Сангзор дарёси қирғоқлари экскаватор ва бульдозерлар ёрдамида мустаҳкамлаб чиқилгани боис, мавсум бехавотир якунланди.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасида бўлинмамиз мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтираётир. Бу йўналишдаги ишларимиз самараси ўлароқ, тоғли ҳудудларда жойлашган маҳаллалардаги хонадонларга огоҳлантириш хатларининг ўз вақтида тарқатилиши ҳам юз бериши мумкин бўлган хатарларни четлаб ўтишга хизмат қилмоқда.

Фавқулодда вазиятларда шошиб қолмаслик ва доимий шайлик ҳар қандай ҳалокатнинг олдини олиш билан баробар. ФВВ бошқармалари ҳамда Фонд бўлинмаларининг бу борадаги ҳамжиҳат фаолияти аҳолини таҳликали вазиятларда тўғри ҳаракатланишга, табиий ва техноген вазиятлар ҳақида аниқ ахборот олишига, кўникма ва малака орттиришига сабаб бўлаётир.

Ю.ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

КЎРИК-ТАНЛОВ

# «Талаба-қизнинг энг намунали либоси»



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон давлат консерваториясида «Талаба-қизнинг энг намунали либоси» кўрик-танлови ўтказилди.**

Унда Тошкент шаҳридаги 33 та олий таълим маскани талаба-қизлари тайёрлаган либослар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олишига яқиндан кўмаклашиш, аёлларнинг турмуш ва меҳнат шароитини янада яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар. Шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш жараёнида қизларнинг оила олдидаги масъулиятини ошириш, тафаккурини миллий манфаатларимизга ёт ғояларнинг салбий таъсиридан ишончли ҳимоялаш борасидаги олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга алоҳида тўхталинди.

Ушбу кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад ҳам қизларни «оммавий маданият» хуружидан асраш, олий таълим муассасалари талаба-қизларига хос бўлган энг мақбул либосни танлаш ва оммалаштиришдан иборатдир.

Одоб-ахлоқ меъёрлари, кийиниш маданияти ва менталитетимизга мослиги, санитария-гигиена талабларига жавоб бериши каби жиҳатлар кўрик-танловга тақдим этилган либослар тўпламини баҳолашда асосий мезон сифатида қаралди. Якуний натижаларга кўра, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти талабаси Гулруҳ Азимова томонидан яратилган талабалар либоси ҳайъат аъзолари томонидан биринчи ўринга лойиқ топилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Дилдора ҚАРШИБОЕВА
«Mahalla»


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

Қуйидаги мақсадларга:

- Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлатгич, телеаппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;
- Оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун;
- Касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун

кредитлар ажратади.

Кредитларни «Асака» банк (ОАЖ) барча филиалларидан расмийлаштиришингиз мумкин.

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
(8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54

«Асака» банк (ОАЖ) кўп каналли ягона «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» рақами:
(8-371) 120-82-88.

«Асака» банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

| Филиаллар номи | Телефон рақамлари |
|---|---|
| Қорақалпоғистон филиали | 8-361-223-72-59 |
| Андижон вилоят филиали | 8-374-224-56-98 |
| Асака филиали | 8-374-223-15-32 |
| Фарҳод филиали | 8-374-226-96-93 |
| Бухоро вилоят филиали | 8-365-223-11-15 |
| Бухоро шаҳар филиали | 8-365-770-00-34 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 8-375-221-15-38 |
| Навоий вилоят филиали | 8-436-770-21-28 |
| Зарафшон филиали | 8-436-573-18-82 |
| Наманган вилоят филиали | 8-369-226-91-45 |
| Самарқанд вилоят филиали | 8-366-233-63-82 |
| Афросиёб филиали | 8-366-221-72-68 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 8-376-770-82-20 |
| Сирдарё вилоят филиали | 8-367-225-28-61 |
| Тошкент вилоят филиали | 8-371-120-84-04 |
| Фарғона вилоят филиали | 8-373-224-72-14 |
| Марғилон филиали | 8-373-237-60-71 |
| Олтиариқ филиали | 8-373-432-19-80 |
| Қўқон филиали | 8-373-552-61-01 |
| Хоразм вилоят филиали | 8-362-226-96-03 |
| Тошкент шаҳар филиали | 8-371-120-83-00 |
| Автотранспорт филиали | 8-371-120-39-01 |
| Шайхонтоҳур филиали | 8-371-140-39-04 |
| Юнусобод филиали | 8-371-221-80-67 |
| Сирғали филиали | 8-371-257-44-10 |
| Жиззах вилоят филиали | 8-372-226-34-90 |

«Асака» банк — обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

